**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Қарши туман Ахоли бандлигига**
**кўмаклашиш маркази директори**
**______________ Ш.А.Авазов**

"___" март 2022 йил

**БУЮРТМАЧИ:**

# "ҚАРШИ ТУМАН АБКМ "

Қарши туманида Аёллар ва Ёшлар дафтарига киритилган фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиш

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Қарши тумани** **2022 йил**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

I.

# II. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрель кунидаги 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Қарши туманида Аёллар ва Ёшлар дафтарига киритилган ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича замонавий ускуналар билан жихозланган бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати

**Тикув машинкаси**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **"ҚАРШИ ТУМАН АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ"** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 180200, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти,Қарши тумани,Бешкент шахри Амир Темур кучаси 3-уй.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “**ҚАРШИ ТУМАН АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ**” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг

лойиха хужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Қарши туман Ахоли бандлигига**
**кўмаклашиш маркази директори**
**____________ Ш.А.Авазов**

“___” март 2022 йил

Қарши туманида Аёллар ва Ёшлар дафтарига киритилган ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Қарши туманида Аёллар ва Ёшлар дафтарига киритилган ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиш . |
| 2 | Буюртмачи | “Қарши туман АБКМ” |
| 3 | Буюртма учун асос | Ишсиз фукароларни касбга қайта ўқитиб,ўзини-ўзи бандлигини таьминлаш зарурияти.. |
| 4 | Объектнпнг жойлашган манзили | Қарши тумани Бешкент шахри Амир Темур кучаси 3-уй |
| 5 | Қатнашувчи учун талаблар | **Тикув машинкаси** |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан тахминан 130 000 000(Бир юз ўттиз миллион ) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган асбоб-ускуналар етказиб бериш. |

| | | |
|---|---|---|
| 8 | Хизматларни бажариш муддатн | 2022 йил 15 апрелгача |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Бюджет бўлмаган(Бандлик жамғармаси фонди) |

Қарши туман АБКМ директори: Ш.Авазов

Қарши туман АБКМ директори ўринбосари: Т.Алмарданов

Қарши туман АБКМ ДХМИ: Ш.Жумаев

Қарши туман АБКМ бош хисобчиси: Т.Дусмуратов

Қарши туман АБКМ ходими: И.Муминов

Қарши туман АБКМ ходими/котиб: Н.Худойбердиев